

## ТАРИХ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА САВОЛ БЕРИШ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Рзамбетова Генжегул Айгалиевна

*Нукус давлат педагогика институти, Аниқ ва табиий фанларни масофадан ўқитиш  
кафедраси ассистент ўқитувчиси*

**Аннотация:** мақолада тарих машғулоти оралиқ ўқитувчи саволнинг аҳамияти, мантиқан тўғри савол ва топшириқлар бериш малакаларини ривожлантириш, мустақил фикрлайдиган, маълумотлар билан мустақил ишлаш оладиган, маълумотларни солиштириб, улар орасидан керакли фикрларни ажратиш оладиган талабаларни шакллантирувчи ўқув топшириқлар тузиш, тарих фанига доир энг муҳим, талаба учун зарур маълумотлар ва мавзуларни ажратиш бера оладиган ва прагматик мазмундаги фойдали аҳамиятли ўқув топшириқларни тузиш кўникмаларини ривожлантириш усуллари, ёндашувлари ҳақида таклиф-мулоҳазалар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** савол, топшириқ, тарих, ўқитувчи, ўқув топшириқлари, машғулоти, ўқув жараёни, мустақил ишлаш, маълумот қидириш, мантиқий саволлар бера олиш кўникмаси

## РАЗВИТИЕ НАВЫКОВ ВЕДЕНИЯ ОПРОСА У УЧИТЕЛЕЙ ИСТОРИИ

**Аннотация:** в статье описывается важность вопроса для учителя на занятиях по истории, развитие квалификации для постановки логических вопросов и заданий, формирование учебных заданий, формирующих учащихся, которые самостоятельно мыслят, могут самостоятельно работать с данными, сравнивать данные и выделять из них необходимые моменты, наиболее важные в истории, может выделить необходимую информацию и темы для студента, а также

**Ключевые слова:** вопрос, задание, история, учитель, учебные задания, тренинг, учебный процесс, самостоятельная работа, поиск информации, умение задавать логические вопросы

## DEVELOPMENT OF SURVEY SKILLS AMONG HISTORY TEACHERS

**Abstract:** the article describes the importance of a question for a teacher in history classes, the development of qualifications for posing logical questions and tasks, the formation of educational tasks that form students who think independently, can independently work with data, compare data and highlight the necessary moments from them, the most important in history, can highlight the necessary information and topics for the student, as well as

**Keywords:** question, assignment, history, teacher, study assignments, training, learning process, independent work, information retrieval, ability to ask logical questions

**Кириш.** Замонавий ўқитиш методикаси ўқувчиларда, талабаларда XXI аср кўникмаларини шакллантиришни талаб қилар экан, демак, ўқув топшириқлари ҳам зудлик

билан шу талабга мослашиши керак. Тарих фанини ўқитишида ўқув топшириқлари намунага қараб ишлаб чиқилган савол ва топшириқлардан фойдаланилади. Аслида ҳар бир савол, ҳар бир топшириқ пухта ўйланган, белгиланган мезонлар асосида ишлаб чиқилиши лозим. Мавжуд ўқув топшириқларининг энг ноқулай жухати бу – замонавий баҳолаш тизимида мос келмаслигидир. Ҳар бир машғулот муайян кўникма ёки малакани ҳосил қилиш учун тақдим қилинади.

Саволлардан фойдаланиш масаласида ҳам натижалар ижобий эмас, зеро, саволлар қандай вазибаларни бажара олиши ҳақида мулоҳаза қилиб кўриш керак бўлади. Машғулот жараёнида саволдан, аввало, ўзлаштирилган билимнинг кўлами, сифати, ёки маълумотга муносабати, тафаккур тарзини билишда фойдаланилиш самарали бўлади. Замонавий таълимда ўқув воситаларини биргина вазибани бажаришга мўлжаллаш вақтни исроф қилиш билан тенг. Бугун ўқув топшириғи, хусусан, савол ва топшириқлар бир пайтнинг ўзида бир нечта кўникма ёки малакани ривожлантира олиши керак<sup>1</sup>.

Савол масаласида ҳам шундай таснифлар қилиниши, уларнинг қўлланилиш ўринлари белгилаб олиниши зарур. Зеро, ижтимоий ҳаётда ҳам савол муҳим аҳамиятга эгадир. Жавоб саволнинг қандай берилганига боғлиқ. Демак, ўқувчиларга тўғри, ўринли ва мақсадли савол бера олсак, уларнинг берган жавоби жамият тараққиёти учун қайсидир маънода фойдали бўлади.

Шу ўринда савол нима ўзи, деган саволга ҳам жавоб излаш, уни илмий-методик текшириб кўриш зарурати пайдо бўлади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида саволга шундай таъриф ва тавсиф берилган: **САВОЛ** – [а. – сўроқ; илтимос] 1 Жавоб олиш учун айтиладиган гап, жумла; сўроқ. – [Васила Назаровна:] Сен менинг саволимга жавоб бер, ким у? Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. – Жуда яхши савол! – деди Иброҳимов, – қани, бу саволга ким жавоб беради? А. Қахҳор, Кўшчинор чироқлари. Савол аломати – еск. Сўроқ белгиси. Савол аломати ҳамма вақт "ми" дан кейин қўйилади десам, кулади. А. Қахҳор, Адабиёт муаллими. Етти оғайни ҳам кўкда ногаҳон Савол аломати бўлиб кўрингай. А. Орипов.

2 Имтиҳон билетиде ёзиб қўйилган, жавоб бериш лозим бўлган мавзулар номи ёки машқ, масала. Иккинчи қаторга бориб ўтирганидан кейин машинкада ёзилган саволларни ўқиди: – 1. Жоул - Ленс қонуни. 2. Резонанс. Учунчи савол электромагнит майдони ҳақидаги масала эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. 3. Ечилиши лозим бўлган масала, муаммо. Бугунги йиғилишимизда иккита саволни ҳал қилишимиз лозим. Газетадан.<sup>2</sup>

Жумладан, Х.Асалов ўқувчилар нутқини ўстиришда савол-жавобдан фойдаланишни қуйидаги тарзда изчил ривожлантириб боришни тавсия этган эди: расмга қараб савол бериш, бирор буюмни тасвирлаш юзасидан ўтказиладиган диалоглар, ўрганилган матн юзасидан ўтказиладиган диалог, ўқитувчи томонидан белгиланган мавзу юзасидан ўтказиладиган диалог, инсценировка типидеги диалог ва ҳ. к.<sup>3</sup>.

Жавоб саволнинг қандай берилишига боғлиқдир. Агар ўқиувчи тарих машғулотларида ўқувчи/талабага унга эрганги ҳаётида зарур бўладиган таълим мазмунини, фойдали саволни бера олмаса, фаолият самарасиз бўлиши, табиий. Тарих фанини ўқитиш олдига ҳам бугунги

<sup>1</sup> Ҳамроев Ғ. Она тилидан ўқув топшириқлари тузиш методикаси. –Тошкент. Донишманд зиёси. 2021. 156 б.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 2-жилд. – Т.: ЎзМЭ, 2004. – 569 б.

<sup>3</sup> Асалов Х. Саккиз йиллик рус мактабларининг 5–8-синфларида ўзбек тили дарсларида феълни ўрганиш: Пед. фан. ном. ... дис. –Тошкент: 1970.

глобаллашув жараёни бир қатор вазифаларни қўймоқда. Хусусан, теран тафаккурга эга ўзлигини, ўтмишини англаган, аждодларига муносиб бўлиш масъулиятини англайдиган ёшларни тарбиялаш асосий вазифа бўиб турибди. Бундай шароитда ўқитувчининг асосий вазифасини белгилаб олиш зарур бўлади. Ўқитувчи, аввало, тўғри ва мантиқли савол бера олиши, баҳолашга қулай ўқув топшириқлар туза олиши лозим.

Таълим мазмунига ўқитувчини ҳам киритиши ниҳоятда тўғри ёндашув. Чунки тарих ўқитишда, айниқса, аудиторияда бажариладиган савол-жавобларни назорат қилишда, зарур ўринларда ўқувчиларда мантиқий фикрлаш кўникмасини ривожлантиришда бевосита ўқитувчи дастлаб намуна кўрсатиши, муаммоли, мақсадли, прагматик мазмундаги саволлар бириши муҳим аҳамиятга эгадир. Қолаверса, олимнинг адабий таълим учун ишлаб чиққан мустақил фикрлаш ва ва муаммоли таълим бўйича ёндашувлари тарих ўқитишда ҳам ўқув топшириқларини тўғри шакллантиришга ёрдам беради.

10-синф Тарих дарслигида мустақил ишлаш учун қуйидаги саволлар берилган:

### **Mustahkamlash uchun savol va topshiriqlar**

1. Urushdan keyingi Yaponiyaning ahvoliga umumiy ta'rif bering.
2. Yaponiyada demokratik jarayonlarni boshlagan amerikaliklar o'z oldilariga qanday maqsadlarni qo'ygan edi?
3. Yaponiya iqtisodini isloh qilishda D. Makkartur boshchiligidagi Amerika ma'murlari qanday rol o'ynadi?
4. Yaponiya «iqtisodiy mo'jizasi»ning asosiy omillari nimalardan iborat edi? 5. 1970-yillarda Yaponiya iqtisodi duch kelgan muammolar nimalardan iborat edi?
6. Yaponiyada postindustrial iqtisodiy moliyaning shakllanishiga qanday omillar turtki bo'ldi?
7. Osiyoning «Yangi industrial davlatlari» atamasi qachon paydo bo'lgan?
8. Osiyoning «Yangi industrial davlatlari»ni qanday umumiy jihatlar birlashtirib turadi?

Хар қандай матн таҳлилини ўқув топшириқлари орқали муаммоли жараёнга айланттириш мумкин. Бунда савол ёки топшириқни тўғри қўйиш кифоя қилади. Бу ўринда муаммони ечиш, олинган натижаларни текшириш, уларни асл фараз билан таққослаш, олинган билим ва кўникмаларни тизимлаштириш ва умумлаштириш босқичлари муҳим ҳисобланади.

Муаммони муваффақиятли ўрганиш шартларида ўқув топшириқларнинг иштироки ўзига хос бўлади:

- муаммонинг мазмунига қизиқиш уйғотиш учун етарли савол ёки тайёрловчи топшириқлар орқали мотивацияни таъминлаш;
- хар бир босқичда юзага келадиган муаммолар билан ишлашнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлаш;
- муаммони ҳал қилишда қўйилган топшириқ ва саволнинг аҳамияти;
- ўқувчилар томонидан билдирилган барча фикр ва фаразларга эътибор ва рағбат билан қаралганда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги диалогик дўстона мулоқотнинг ўрнителиши.

Билиш фаолиятининг тури – ўқитувчи томонидан таклиф этилган ўқув схемаси бўйича ишлаш орқали ўқувчилар эришадиган билиш фаолиятининг мустақил даражасидир. Ахборот-рецептив усулнинг моҳияти қўйидаги хусусиятларда ифодаланади: билим ўқувчиларга “тайёр” шаклда таклиф этилади; ўқитувчи бу билимларни турли йўллар билан идрок этишни ташкил этади; ўқувчилар билимларни идрок этиш (қабул қилиш) ва тушунишни амалга оширадilar, уларни хотирасида тузатадилар. Барча ахборот манбалари (сўз, кўргазма ва бошқалар.) қабул қилишда ишлатилади ва тақдимот мантиғини индуктив ва дедуктив равишда ишлаб чиқиш мумкин. Ўқитувчининг бошқарув фаолияти билимларни идрок қилишни ташкил этиш билан чегараланади. Ўқитувчиларнинг ўз ўқувчиларини билим олишга, фикрлашга ундаш қуроли, уларнинг фаолиятини, ўзлаштирилишини мониторинг қилишда ўлчов бу – ўқув топшириқларидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўқитувчи ўқувчиларга савол беришда диққатли бўлиши лозим. Савол мазмуни қанчалик салмоқли бўлса, ўқувчининг билимини аниқлаш шунча осон бўлади. Шу маънода, бўлажак тарих фани ўқувчиларига савол бериш маданияти, мезонлари ва методикаси махсус ўргатилиши керак.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аллаёров И.А. Дидактические основы активного обучения. Автореф. дисс. ... докт. пед. наук. –Т.: 1994. -44 с.; Розыков О. Основы оптимального применения системы учебных задач в обучении. –М.: Ўқитувчи, 1981. -103 с.;
2. Махмудов М.Ҳ. Таълимни дидактик лойиҳалашнинг назарий асослари. Пед. фанл. докт. илм. дараж. олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Т.: 2004. -42 б.
3. Рубинштейн С. Л. Проблемы общей психологии. - Москва: Педагогика, 1976. -416 С.
4. Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. – М.: Педагогика, 1972. -576 с.
5. Лернер Я. Дидактические основы методов обучения Текст. / И.Я. Лернер. – М. : Педагогика, 1981.
6. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.– 4–19 б.
7. Давронов, И. Э. Некоторые аспекты интерпретации понятий «задание» и «упражнение» / И. Э. Давронов. Текст : непосредственный // Молодой ученый. – 2012. – № 8 (43). – С. 323–326.
8. Розысков О.Р. Теоретические основы оптимального применения системы учебных задач в обучении школьников (на материалах гуманитарных предметов). Автореферат дисс...док. пед. наук. – Тбилиси, – 1986. – 50 с[1970-е].